



Ким ҳар бир намоз кетидан ўттиз уч марта Аллоҳга тасбиҳ, ўттиз уч марта ҳамд, ўттиз уч марта такбир, бу тўқсон тўққизта бўлиб, юзинчисида «Лаа илааҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳ, лаҳул-мулку ва лаҳул-ҳамд, ва ҳува ъалаа кулли шай'ин қодийр» деса, гуноҳлари денгиз кўпигича бўлса ҳам мағфират қилинади

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «Ким ҳар бир намоз кетидан ўттиз уч марта Аллоҳга тасбиҳ, ўттиз уч марта ҳамд, ўттиз уч марта такбир, бу тўқсон тўққизта бўлиб, юзинчисида «Лаа илааҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳ, лаҳул-мулку ва лаҳул-ҳамд, ва ҳува ъалаа кулли шай'ин қодийр» деса, гуноҳлари денгиз кўпигича бўлса ҳам мағфират қилинади».

[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам фарз намозлари тугаганидан кейин қуйидаги зикрларни айтишнинг фазилатини баён қилдилар: Ўттиз уч марта: «Субҳаналлоҳ» (Аллоҳни айбу нуқсонлардан поклаш). Ўттиз уч марта: «Алҳамдулиллаҳ» (У Зотга бўлган муҳаббат ва таъзим билан комил сифатлари ила сано айтиш). Ўттиз уч марта: «Аллоҳу акбар» (Аллоҳ ҳар қандай нарсадан улуғ ва буюқдир). Ва юзинчисини: «Лаа илааҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳ, лаҳул-мулку ва лаҳул-ҳамд, ва ҳува ъалаа кулли шай'ин қодийр» деб тўлдириш. Маъноси: Ягона Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ, Унинг шериги ҳам йўқ. Мутлоқ мулк ва ҳамд-сано Уникидир. У ҳар бир нарсага қодирдир. Яъни: Аллоҳдан ўзга ибодатга лойиқ ҳақ зот йўқ. Мукамал мулк фақат Унга хосдир ва бошқалардан фарқли ўлароқ, муҳаббат ҳамда таъзим билан мақталишга лойиқ Зот фақат Унинг Ўзидир. У бирор нарса ожиз қолдира олмайдиган Қодирдир. Ким ана шуларни айтса, гарчи гуноҳлари денгиз тўлқинланиб кўпиргандаги оқ кўпиклар каби кўп бўлса ҳам, ўчирилади ва мағфират қилинади.

النجاة الخيرية
ALNAJAT CHARITY

